

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati


ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 3-aprel №14 (4309)

## 9 апрел — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.

Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар” деган мақолга гоёат ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

Ислом КАРИМОВ



Амир Темур авлодидан, гарчи ўзим озари, Табаррукдир, зиёратгоҳ менга унинг мазори.

Зарафшондан дoston тинглаб, суваридан ўтганман, Самарқанднинг тарихини юрагимга битганман.

Максуд ШАЙХЗОДА

Ўқумок бунёд қилдиким, ул Ҳазратнинг газаби лутфа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мисраъни ба вақт ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг бар мусҳаф зад. (Таржимаси: Қаландар кўрқувдан Куръонга чанг солди.)

Андин сўнгра Хожага илтифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар балки

қарнларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас. То олам аҳли билгайларким, Султон соҳибқиронгаким, мажолисда пайдар-пай хуб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур даги маврусий-дурким, нисбатин ул жадди бузурго-рга тузатурким, ул бирининг макони равзаи жинон ва бу бири жаҳон мулкада жовидон бўлсун!

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС”дан

Мир Алишер НАВОЙИ:

## “ТО ОЛАМ АҲЛИ БИЛҒАЙЛАРКИМ...”

Мулк шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонғирини соҳибқирон, яъни: **Темур КўРАГОН** — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук ҳайсиетидинким, ул Ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қилилур. Мундоқ нақл қилурларким, чун Табризда Мироншоҳ Мирзо чоғира кўп иштиғол кўргузди. Димоғи ва мизожи эътидол тариқидин инқироф топиб, андин номулоийи амр кўп сурат тутта бошлади. Самарқандда ул Ҳазрат арзига бу навъ еткур-диларким, уч надими борким, муф-

рит чоғир ичмакка боис алардурлар... Алардин бири Хожа Абдулқодир эрди ва яна бири Мавлоно Муҳаммад Кохий эрди ва яна бири Устод Кутб Нойи эрди. Тавочи бориб икисини ясоққа еткурди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб қаландар бўлуб, ўзин девоналикқа солиб мулкдин-мулкка мутавори юрур эрди, то улким, ул Ҳазрат яна Ироқ юруши қилди. Ул мамоликда Хожанинг ул холи баъзига маълум бўлуб, юқори арз қилдилар. Ҳукм бўлдики, тутуб келтурсунлар. Ул Ҳазрат тахтада эрдиларким, Хожа фақирни девоналикқа қўймай, судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири Куръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била Куръон

## СИЗГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН

Мен 1997 йили Андижон вилоятидаги Булоқбоши туманида туғилганман. Менинг энг катта бахтим бу халқимиз, юртимиз иқболи — мустақиллик қизи бўлганидир. Бундан ўзимга фахр-ифтихор туяман. Шунинг аниқлиги, кимки астойдил юртини севса, унга чин дилдан хизмат қилса, албатта, бир кун шу Ватаннинг ўзи бағрига босиб, пешонасидан ўлиб, раҳмат болам, деркан. Яна, кишини улуг ишларга ундайдиган куч ҳам бўлар экан. Зулфия номидаги давлат муқофотига сазовор бўлганим менга шундай куч бағишлади, олға қадам бос қизим дегандай бўлди.

### Дил изҳори

Дунёнинг истаган мамлакатини олинг, хоҳлаган маълумотга қаранг, бошқа бирор юртда аёл номи билан бериладиган бундай муқофот йўқ. Бу ишонч — Ўзбекистонда ашайдиган ҳар бир қизнинг орзуси. Бу муқофот — юртимиздаги қизларга қанот беради, ҳеч кимдан кам эмаслигини айтиб туради. Бу муқофот — бу Ватанда аёлга, қизларга берилётган ишончнинг ёрқин намунасидир. Шу ишончга сазовор бўлганим, лойиқ кўрилганим, мени берилган ишонччи оқлаб халқимга сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Қатъий мақсадим, устоз Зулфияга, халқимизга

муносиб фарзанд бўлиб, адабиёт, маданият соҳаларига ўз хиссамни қўшиш ва юртимиз довуғини, дунёга таратишдир.

Шуни фахр билан айтмоқчиманки, бу Ватанда амалга ошмайдиган орзунинг ўзи йўқ. Агар биз ёшлар, берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, мақсад сари дадил қадам ташласак, келажақда биз забот этолмайдиган чўққининг ўзи бўлмайди. Чунки қўлимизга жамики имкониятларнинг қалитлари тутқазилган. Менга ишонч билдириб, кўксимга умиднома, бахтнома медалини таққан юртимга, устозларимга, адабиёт аҳлига бошим ерга теккунча таъзим қиламан!

Гўзалой АБДУЛЛАЕВА,

Зулфия номидаги давлат муқофоти совридор

## 9 май — Хотин ва қадрлаш кунин

### ОСОЙИШТА ҲАЁТ СУРУРИ

Эрталаб куёш чарақлаб турганди. Тушга томон осмонда паға-паға булутлар пайдо бўлди. Бир пасдан сўнг ёмғир томчилади. Дарахтларга шитирлаб томчилаётган ёмғир кўнглингизга хузур бағишлайди. У кут-барак дастурхонингиз тўқинлиги, турмушингиз фаровонлиги учун осмондан ёғилаётган улуг неъмат. Ҳеч қанча вақт ўтмай булутлар орасидан куёш мўралади. Унинг нурулари булутларни самонинг чеқкаларига сочиб юборди.

Атроф, бутун борлиқ ёришиб кетди. Кушлар чуғур-чуғур қила бошлади. Ҳозиргина ёққан ёмғирдан кейин таралаётган кўк майсаларнинг хушбўй хиди кўнглингизда ёруғ туйғулар уйғотади: “Табиат бунча гўзал, осмон бунчалар мусаффо, яшагинг келади...”

Ҳа, тинчлик барча учун энг улуг неъмат. Фақат тинчлик туфайлигина

маънолар мужассам. Чунки тарих гувоҳ: бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон ва фаровонликка машаққатлар, синовлар, оғир йўқотишлар эвазига эришганмиз. Инсоният тарихидаги энг



қонли, мислсиз қурбонларга, офату ғам-аламларга сабаб бўлган Иккинчи жаҳон урушининг туғанига 70 йил тўлишига қарамай, бу машъум қирғинбаротни халқимиз асло ёдидан чиқаргани йўқ.

Давоми иккинчи саҳифада.

### Жасорат, бурч, матонат

инсон барча орзуларига эришиши, бахтли-саодатли ҳаёт кечирishi мумкин. Тинчлик ва озоодлик. Бу икки сўз замирида тириклик, ҳаётга чанқоқлик, авлодлар давомийлиги каби

Кюдзо КАТО:

## “ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ ВАТАНИМ”



Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловида халқро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган кўплаб таниқли сиёсатшунослар, жамоат арбоблари, публицистлар орасида жаҳонга машҳур олимларни ҳам кўриш мумкин эди. Улардан бири япониялик профессор Кюдзо Катодир. У кўп йиллар давомида Сурхондарёнинг Шўрчи туманидаги қадимги Далварзинтепа шаҳри, шунингдек, Термиз яқинидаги Қоратепа ва Фаёзтепа харобаларида будда ёдгорликларни ўрганишга доир ўзбек-япон халқро археология экспедицияси тадқиқотларига раҳбарлик қилган. Қадимшунос олим ва жамоат арбоби 2002

йили таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан халқимизнинг маънавий мероси, тарихи ва мезморий ёдгорликларини ўрганиш ҳамда хорижда тарғиб этиш борасидаги катта хизматлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. У Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси, Бадий академиямиз Санъатшунослик институтининг фахрий доктори ҳамдир.

30 март куни эрталаб Интерконтиненталь меҳмонхонасида Япониядаги Халқро Буюк

Ипак йўли академияси аъзоси жаноб Кюдзо Като билан учрашдик. Айни баҳор фасли бўлса-да, бир кун аввал тушган аямажиз совуғи ва бир-икки учкунлаган қорнинг изгирини ҳали кўтарилиб кетмаган эди. Бежирим костоми ичидан кийиб олган беқасам нимчаси 93 ёшли Кюдзо бобога жуда ярашиб тушган, унинг нуруний чехрасига камалак табассумини ёйиб юборгандек эди. Беқасам ўзбекларнинг энг қадимги матоларидан бири. Салкам ўттиз йилдан бери ҳар йили баҳор ва куз ойлари Ўзбекистонга келиб, Сурхондарёдаги Далварзинтепа ва Қоратепа археологик манзилларида қадимшунослик тадқиқотлари олиб

борётган ёшуллинг беқасам нимча кийиб юргани ҳам қадим юртимизга бўлган чуқур эҳтиромдан бир далолатдек бўлиб туюлади. Мен юртимиз истиқлоли арафасида бўлган “Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли” номи халқро илмий экспедиция пайтида Кюдзо бобо билан илк бор учрашган ва қисқароқ бўлса-да суҳбатлашиб, экспедиция доирасидаги илмий маърузаларини мириқчи тингларан эдим. Орадан салкам чорак аср ўтаётган бўлса-да, Кюдзо бобо ҳеч ўзгармагандек эди. Унинг қарийб бир аср яшаб, ҳамон хушчақчақ йигитлардек бардам ва титик қиёфада дунё кезиб юргани ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирмай қолмайди.

Давоми олтинчи саҳифада.











М.Нуриддинов. "Амир Шамур ҳокимият рамзларини қабул қилмоқда".

### ҲАР БИР КИТОБ — БИР ОҒТОБ

Китобга муҳаббат болалиқдан бошланади, деб бежиз айтишмаган. 2 апрел — Халқаро болалар китоблари кун...

ранг-баранг китоблар намоиши бўлиб ўтди. Болалар ўзбек ва жаҳон адаблари қаламига мансуб юзлаб бадиий асарлар билан бир қаторда...

Китобсевар болажонларни қутлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллари, шоир ва адаблар, матбуот нашрлари муҳаррирлари ҳам ташриф буюриб, ўз китобларидан совға қилишди.

#### Хавас қилса арзийди

фан ва техника, ҳайвонот олами, журрофия ва бошқа турли соҳаларга оид қизиқarli нашрлар билан танишиш имконига эга бўлишди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган бадиий дастурда шоирлар Ахтамкул Карим, Рустам Мусурмон, "Гулхан" журнали муҳаррири Заҳро Хасанова, ёш шоир Жўрабек Жаҳон ва бошқалар сўзга чиқиб, жажжи китобсеварларга ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Дониёр УРОЛОВ, Республика болалар кутубхонаси директори: — Халқаро болалар китоблари кун...

Рустам МУСУРМОН, шоир, Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими: — Жажжи китобсеварлар билан учрашув ижодкорга завқ бағишлаши билан бирга, ўзига хос масъулият ҳам юклар экан.

Уз муҳбиримиз. алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирларни етказиб берган. Бугун Ўзбекистонда буюк аждодларнинг бой маданий мероси, тарихий ёдгорликлар кўз қорачиқдек асралиб, улуғ алломаларнинг илмий меросини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани мени...

БОЛАЛАР ДУНЁСИ МАНЗАРАСИ Ёзувчилар уюшмасида Болалар ва ўсимирлар адабиёти кенгашининг 2014 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида кенгаш раиси Ашурали Жўраев ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди.

### Ёзувчилар уюшмасида

Йиғилиши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қисқача кириш сўзи билан очди. Ёзувчи ва драматург Эркин Усмонов, санъатшунос олим Маъмур Умаров, кинодраматург, Ўзбекистон санъат арбоби Рихсивой Мухаммаджоновлар кино ва театр драматургияси ҳамда ёш драматурглар семинарининг фаолияти, навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилдилар.

«ЁД ОЛАМИЗ, ШОДЛАНАМИЗ» 2 апрел — Халқаро болалар китоби кун» муносабати билан Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган адабий кечада таниқли ижодкорлар, болалар адабиёти номояндлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, китоб муҳлислари қатнашдилар. Болаларда китобга муҳаббат уйғотиш бугунги кунда илм-маърифат ахлининг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, болалар шоири Турсунбой Адашбоев, адабиётшунос олимлар Сафо Матжон, Зухриддин Исомиддин болаларга мўлжалланган асарларининг ютуқ ва камчиликлари, мактаб кутубхоналарини ёзувчиларнинг янги асарлари билан тяминлаш, саргузашт асарлар танловини ўтказиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Хисобот йилида кинодраматургия соҳасида ҳам кўзга кўринarli натижаларга эришилди. Давлат маблағлари асосида ўндан ортик, хусусий киностудиялар томонидан эълан қилган зид бадиий филм суратга олинди. Бундан ташқари, телевидениеда намоиш этилган "Опа-сингиллар" миллий сериали ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Тадбирда «Академнашр» нашриёти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорлигида «Ёд олами, шодланамиз» рўкни остида чоп этилган китобларнинг тақдими бўлди. «Дакан ҳўроз — аканг ҳўроз» (Пўлат Мўмин), «Оқ теракми, кўк терак» (Қуддус Мухаммадий), «Қарга қақимчи» (Турсунбой Адашбоев), «Мулла бақалок» (Анвар Обиджон) ва «Атлас кийган капалак» (Қамбар Ота) китоблари бугунги кун болаларининг қизиқишларига мос рангли безаклар билан, юқори сифатда нашр этилган. Бинобарин, дастлабки бешта китобдаги ҳар бир шеър ўзига хос ёрқин суратлар билан безатилган бўлиб, болалар эътиборини торттириш шубҳасиз.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Бошланиши биринчи саҳифада. Жаноб Кюдзо Като ажойиб тақдир соҳиби. У 1945 йили Токио университетининг немис тили факултетидида ўқитганда Квантун армиясига ҳарбий хизматга жалб этилиб, сапёрлар бўлини масига раҳбарлик қилган. Манжурияда асирга тушиб, тўрт йил сакзис ой Сибир ўрмонларида, Байкал-Амур магистрали курилишларида ишлайди, мустақил равишда рус тилини ўрганади. Шимоли-Шарқий Осиё халқлари тарихига доир бой материаллар тўплайди ва у келгусида унинг докторлик илмий ишига асос бўлиб хизмат қилади. 1950 йили ватанига қайтиб, энциклопедия нашриётида кўп йиллар фаолият олиб боради. Бир неча бор Марказий Осиёга сафар қилиб, юртимизнинг қадим шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, қадимшунослик обидаларига катта қизиқиш билан қараб, тадқиқотлар олиб борган, илмий мақола ва китоблар ёзган. У тарихчи, этнограф-археолог, таржимон ва 20 дан ортик илмий тадқиқотлар муаллифи сифатида Осака шаҳридаги Сока университетиди профессор бўлган. Унинг "Ипак йўли чорраҳаларида", "Евроосиё тамадунига саёҳат", "Урта Осиёнинг буюк сиймолари", "Далварзиптепа шаҳристони" каби китоблари япон илмий жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинган. Кюдзо Като Японияда чоп этилган "Қадимги Хоразм", "Қўҳна Панжакент" каби кўплаб илмий-оммабоп китобларнинг таржимони ҳамдир.

### Кюдзо КАТО: "ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ ВАТАНИМ"

— Ўзбекистонга ҳар бир ташрифим мен учун катта байрам, — дейди у. — Мамлакатингиз илдизлари кўп минг йилларни бўйлаган бой тарихга эга. Турли маданиятлар ва турфа динлар чорраҳасида жойлашган ўзбек халқи ўзининг бетакдор ва ноёб маданиятини шакллантириб, инсоният тамадунига беқийёс ҳисса қўшган кўплаб улуг ҳам мавжудлиги ўтмиш маданияти ҳақида турли халқлар маданиятларининг бир-бирига таъсири ва ўзаро бойитиш борасида фан учун муҳим янгиликлар бераётди.

Олим Япония Миллий этнография музейида ишлаган йилларида Марказий Осиё, Муълистон ва Сибир мисолида Евроосиёнинг кўз илғамас худудларида қадимдан истикомат қилиб келган халқларнинг бой тарихи ва этнологияси, нодир санъати ва археологиясини чуқур ўрганиб кенг қўламда тадқиқотлар олиб борди. Ўзбекистон жанубининг Қушнорлар давридаги будда ёдгорликларига доир кўргазмалар, симпозиумлар, очик суҳбатлар ташкил этиб, Марказий Осиё тарихи ва маданияти билан қизиқувчи барчани таништириб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Тарих фанлари доктори, ЎзРФА академиги Эдвард Ртвеладзенин "Марказий Осиёда тамаддун, давлат ва маданият" деб номланган китобини япон тилига таржима қилиб чоп эттиргани ҳам ана шу кизгин илмий фаолиятнинг мантисий давомидир. У зўк йиллар Сока университетида профессор ва кафедра раҳбари сифатида фаолият олиб борган. Япон, инглиз ва рус тилларида чоп этилган "Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги ёдгорликлари" альбом-каталог, ўзбек ва япон тилларидаги "Далварзиптепа шаҳристони" илмий монографияси ҳам жаноб Катонинг кўп йиллик самарали илмий фаолияти маҳсулидир. У юртимизда бўладиган кўплаб илмий анжуманлар ва маданий тадбирлар, аънавий миллий байрамлар ва фестивалларнинг иштирокисидир.

— 1996 йили Амир Темурутвалдининг 660 йиллиги юбилейига мен ҳам тақдир этилган эдим, — дейди суҳбатдошимиз. — Бўлиб ўтган тадбирлар, музей ва хайкаллар очилгани, тантаналар ўтказилиши, семинар ва тақдиротлар ўзбек ва япон халқлари маданиятларини ўзаро бойитиш ва бу жараёни янада чуқурлаштиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Осака шаҳридаги Миллий этнография музейида ташкил этилган "Ўзбекистон бурчаги" доимий фаолият олиб

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди таниқли адиб Жонрид АБДУЛЛАХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИД